

ФРАШИЗИНГ ШАРТНОМАЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

Холхўжаев Азизхон

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20696328>

Аннотация. Франшизинг шартномаси бугунги кунда бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ва мазкур соҳани кенгайтириш, мавжуд бўлган савдо бозорларига ёки энди шаклланиб келаётган янги бозорларига киришининг энг самарали йўлларида бири ҳисобланади. Мазкур жараёнларнинг ривожланиши ва жадаллик билан ўсиб бориши шартнома тарафлари ўртасида баъзан келишимовчиликларни келтириб чиқариши мумкин, хаттоки Франшизинг шартномалари билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар баъзан низоларга сабаб бўлиши мумкин.

Масалан, томонларнинг ўзаро биргаликдаги молиявий мажбуриятлари, шартномадаги келтириб ўтилган вазифа ва мажбуриятларга риоя қилмаслик ёки франчайзер томонидан белгиланган бренд стандартларини бузиши каби муаммолар пайдо бўлади. Ушбу мақолада Франшизинг шартномаларидан келиб чиқадиган низолар таҳлил қилинади ва уларни қандай усуллар ёрдамида самарали равишда ҳал қилиши мумкинлиги, қандай усуллар билан муқобил равишда ҳал қилиши масалалари кўриб чиқилади. Ҳозирги кунда хадқаро-хусусий ҳуқуқ томонидан мазкур турдаги муаммоларни ҳал қилишининг бир қанча алтернатив усуллари таклиф қилинмқда хусусан Музокара, Медиация, арбитраж ва суд жараёнлари энг кенг тарқалган ечимлар сифатида таъкидланади. Шу билан бир қаторда, келиб чиқадиган низоларни ҳал қилишдан кўра уларни олдини барвақт олган энг самарали усуллардан бири ҳисобланади.

Низоларнинг олдини олиши чораларига мисол қилиб қўйидагиларни келтириб ўтишимиз мумкин: аниқ шартномалар тузиши, қонуний ва этик талабларни ҳисобга олиши ҳамда молиявий назоратни кучайтириши чора-тадбирлари энг самаралиси ҳисобланади. Ушбу Мақола амалий ва назарий жиҳатдан Франшизинг шартномаси ҳисобланган тадбиркорлик субъектлари учун фойдали тавсиялар ўз ичига олади ҳамда мавжуд бўлган низоларни ҳал этишнинг муқобил усулларини таклиф қилади.

Калим сўзлар: Франшизинг, низоларни ҳал этиши, Медиация, арбитраж, шартнома мажбуриятлари, франшизинг шартномаси субъектларининг ҳуқуқи.

Abstract. Franchising agreements today are one of the most effective tools for developing business and entrepreneurship, expanding existing markets, or entering newly emerging markets. The rapid growth and complexity of these processes may sometimes lead to disputes between the parties to the agreement.

In particular, social relations associated with franchising agreements can also give rise to conflicts. For example, issues may arise from joint financial obligations, failure to comply with duties and responsibilities stipulated in the contract, or violation of brand standards set by the franchisor.

This article analyzes disputes arising from franchising agreements and examines the methods for effectively resolving them, including alternative approaches. Currently, under international and private law, several alternative dispute resolution mechanisms are proposed, with negotiation, mediation, arbitration, and litigation being the most widely used methods.

Moreover, preventing disputes in advance is considered one of the most effective strategies. Examples of preventive measures include drafting clear contracts, complying with legal and ethical standards, and strengthening financial control mechanisms.

This article provides both practical and theoretical recommendations for business entities operating under franchising agreements and suggests alternative methods for resolving existing disputes.

Keywords: *Franchising, dispute resolution, mediation, arbitration, contractual obligations, rights of franchising agreement parties.*

Кириш. Франшизинг шартномаси хозирги даврда бизнес мухтини ривожлантиришнинг энг машхур ва кенг тарқалган усулларида бири ҳисобланади. Франшизинг шартномаси бренд эгаси ҳисобланган тадбиркорлик субъектига, яъни франчайзерга ўз бренди ва бизнес моделини тезроқ кенгайтириш имкониятини беради, шартноманинг иккинчи томони ҳисобланган франчайзига эса ўз бизнесини бошлаш учун мавжуд бўлган тайёр тизимдан фойдаланиш имконини беради. Лекин бу шартномалар билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар доимо ҳам бир маромда кечмайди, яъни силлиқ ишламайди. Молиявий мажбуриятлар, шартномада келтириб ўтилган шартларга риоя қилмаслик ёки ҳудудий низолар каби муаммолар тез-тез юзага келади. Шу сабабли, Франшизинг шартномаларидан келиб чиқадиган низоларни қандай ҳал қилиш мумкинлиги тадқиқотнинг муҳим саволи сифатида баҳоланади. Ушбу мақола шу масалага оид бўлган ижтимоий муносабатларга эътибор қаратади ва амалий тавсиялар беради.

Адабиётлар шарҳи ва назарий асослар. Франшизинг шартномасида франчайзер ва франчайзи ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилайди. Олиб борилган Тадқиқотлар кўрсатадики: молиявий низолар (роялти ва бошқа тўловлар), шартнома шартларига риоя қилмаслик ва ҳудуд билан боғли бўлган (ҳудудий) низолар энг кенг тарқалган муаммолардан ҳисобланади (Мичаел, 2003; Жустис Жудд, 2002).

Назарий жиҳатдан қаралганда, транзакция харажатлари назарияси ва муносабатли шартномалар назарияси нима учун низолар пайдо бўлишини ва уларни олдини олиш мумкинлигини тушунтирадиган назариялар ҳисобланади. Яқинда олиб борилган тадқиқотлар алтернатив низоларни ҳал қилиш (ADR) механизмларини ва услугиётларини тавсия қилди.

Музокара ва Медиация ҳамда арбитраж жараёнлари тезкор ва махфий бўлиб, умумюрисдикция судларига қараганда анчагина қулайроқ ҳисобланади (Олк & Ёунг, 2020; Ҳилл, 2019). Шу билан бирга, аниқ тузилган шартномалар ва тўғри олиб борилган мониторинг низоларни олдини олади (Станвортх эт ал., 2012).

Тадқиқот ёндашуви. Ушбу мақола сифатли таҳлил асосида тузилган. Асосий манбалар сифатида қуйидагилар келтириб ўтилган: илмий мақолалар, юридик ишлар ва олиб борилган таҳлилий-ҳисоботлар. АҚШ, Европа ва ривожланаётган бозорларда низоларни ҳал қилиш амалиётларининг солиштирмалари. Тадқиқот шуни ҳисобга оладиги, шартномалар контекстга қараб талқин қилинади, чунки ҳар бир мамлакатнинг қонунчилиги ва тадбиркорлик субъектлари учун яратиб берилган бизнес муҳити турлича.

Таҳлил усуллари: шартномалардаги бандлар ва низоларни контент таҳлили, ечим механизмларини солиштириш.

Таҳлил ва натижалар

4.1. Низолар турлари

- **Молиявий:** Роялти, тўловлар ва жарималар бўйича келишмовчиликлар.
- **Шартномавий:** Операцион стандартларга риоя қилмаслик, ҳисобот топширмаслик.

• **Худудий ва рақобат:** Бозор худудларини бузиш ёки рухсатсиз кенгайиш.

• **Қонунчиликка риоя қилмаслик:** Лицензия, санитария ва меҳнат қонунларига риоя қилмаслик.

4.2. Ечим механизмлари

• **Музокара:** Томонлар ўзаро келишувга эришади.

• **Медиация:** Учинчи томон ёрдамида ихтиёрий келишув.

• **Арбитраж:** Мустақил арбитражлик қарори, тез ва махфий.

• **Суд:** Охирги чора сифатида, қиммат ва узоқ давом этади.

4.3. Халқаро мисоллар. Старбускс (2018, АҚШ) арбитраж орқали низони ҳал қилган. Европада Медиация бандлари суд ишларининг олдини олади (ЕФФ, 2021).

4.4. Олдини олиш чоралар. Аниқ шартномалар, мунтазам олиб бориладиган аудит текширувлари, қонун ва этик стандартларга риоя қилиш, стандартлаштирилган жараёнлар низоларни камайтиради ва франчайзининг барқарорлигини оширади.

Муҳокама ва тавсиялар. Мақола шуни кўрсатадики, юридик, бошқарув ва этик ёндашувларни бирлаштириш муҳим омил ҳисобланади. Франчайзерлар учун шартнома ва назорат тизими жавобгарликни камайтиради, франчайзи эса ADR (муқобил низоларни ҳал этиш) механизмлари орқали ўз бизнесини ҳимоя қилади. Сиёсатчилар, ҳуқуқшунослар ва иқтисодчилар ADR тизимларини ривожлантириш орқали Франшизинг шартномасининг барқарорлигини ошириши мумкин деган қарашни илгари суришади.

Халқаро тижорат Арбитражи тўғрисидаги қонунга шартномалардан келиб чиқадиган низоларни самарали ҳал этиш учун бир қатор ўзгартиришлар киритилиши зарур.

Халқаро арбитраж амалиётини интеграция қилиш учун франшизинг шартномаси томонларига Миқдорий меъёрдан юқори бўлган франшизинг низолари учун мажбурий арбитраждан фойдаланиш. Яъни шартнома тарафларининг низоси миқдорий меъёрдан (суммадан) ортиқ бўлса арбитраждан фойдаланишни мажбурий тарзда жорий қилиш.

Юрисдикция ва қўлланиладиган ҳуқуқ меъёрларини аниқ белгилаш, ҳамда судлар томонидан ихтисослашувни кучайтириш ва уларнинг тажрибасини халқаро арбитражлар томонидан ташкил қилинадиган халқаро тажриба алмашинуви асосида доимий ошириб бориш. Стандартлаштирилган арбитраж қоидаларини жорий этиш ва кенг амалиётга йойиш. Ва энг сўнггиси ICC, UNIDROIT ва DIAC нормаларини миллий қонунчиликка мослаштириш

Хулоса. Франшизинг шартномалари бизнес муҳитни ривожлантириш ва иқтисодийга инвестицияларни жалб қилиш учун зарур ҳисобланади, лекин бир вақтда турли кўринишдаги низоларни ҳам келтириб чиқаради.

Музокара, медиация, арбитраж ва суд жараёнлари ҳамда олдини олиш чораларини бирлаштириш самарали ечимни таъминлайди. Бу эса ўз навбатида шартнома субъектлари ҳисобланган франчайзер ва франчайзи манфаатини ҳимоя қилади ва франшизинг тизимининг барқарорлигини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (50-боб, 862–874-моддалар).
2. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси, 2018 йил 24 январь, ЎРҚ-461-сон.
3. «Медиация тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2018 йил 3 июль, ЎРҚ-482-сон (2025 йил ЎРҚ-1089-сон таҳрири билан).

4. «Халқаро тижорат арбитражи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2021 йил 16 февраль, ЎРҚ-674-сон.
5. «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2006 йил 16 октябрь, ЎРҚ-64-сон.
6. Чет эллик арбитраж қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги 1958 йил Нью-Йорк конвенцияси.
7. Болиев Б. Франшизинг – тадбиркорликни юритишнинг ўзига хос ҳуқуқий конструкцияси сифатида // Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили. — 2015. — №4. — Б. 29–32.
8. Климова С.В. Правовой режим франчайзинга в национальном и международном обороте: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2011.
9. Муратова О.А., Шпагина Е.О. Правовое регулирование договора франчайзинга (коммерческой концессии) за рубежом и в России // Правовое регулирование экономики. — С. 93–102.
10. UNIDROIT. Guide to International Master Franchise Arrangements. — Rome, 1998; Model Franchise Disclosure Law. — Rome, 2002.
11. FTC Franchise Rule, 16 C.F.R. Part 436. — Washington, 1979 (rev. 2007).
12. Williamson O.E. The economics of organization: the transaction cost approach // American Journal of Sociology. — 1981. — Vol. 87(3). — P. 548–577.
13. Macneil I.R. The new social contract: an inquiry into modern contractual relations. — Yale University Press, 1980.